



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 19 сентябрь, пайшанба, №105 (3451).

Жараён

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



ПРЕЗИДЕНТ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ГФР КАНЦЛЕРИ ВА ЙИРИК НЕМИС БИЗНЕСИ ВАКИЛЛАРИ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТДИ

ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Федерал Канцлер Олаф Шольцга, Марказий Осие давлатлари президентлари ва немис компаниялари раҳбарларига ўз миннатдорчилигини билдириб, “Марказий Осие – Германия” учрашуви тараққиётнинг янги босқичига йўл очганини таъкидлади.

– Германия иқтисодий ва технологик инновациялар соҳасида жаҳондаги етакчилардан биридир. Бу мамлакат маҳсулотлари сифати билан машҳур. Марказий Осие эса жадал ривожланаётган, улкан салоҳиятга эга ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очётган минтақадир. Марказий Осие Шарқ билан Ғарбни, Шимол билан Жанубни боғлайдиган олтин кўприқдир. Шу нуқтаи назардан, биз турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрикмиз. Мухим хомашё, энергетика, транспорт-логистика, молия, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологияларини ривож-

– Мухокамаларимиз Марказий Осие ва Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик турли соҳаларда улкан салоҳиятга эга эканини кўрсатди. Минтақаларо иқтисодий ҳамкорликка янги суръат бахш этадиган кенг қўламли масалаларни кўриб чиқдик. У инфратузилма ва энергетикадан тортиб технология ва инновацияларгача бўлган соҳаларни ўз ичига олади, – деди Қозоғистон Президенти.

Қ. Тўқаев йиғилишда тақдим этилган «Иқтисодий кенгаш» тузиш таклифини қўллаб-қувватлади. Бу идора немис сармоясини жалб қилиш, Марказий Осие давлатлари ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг барқарор базасини шакллантиришда фаол аҳамият касб этиши мумкин.

Учрашувда Федерал Канцлер Олаф Шольц, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, То-

жикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Siemens Energy AG бошқаруви раиси, Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси раиси ўринбосари Кристиан Брух, KNAUF Gruppe бошқарувчи директори Александр Кнауф, Ernst Klett AG компаниясининг бош директори Филлип Хаусманн, DB E.C.O. Group ижроия кенгаши раиси, Шарқий Германия иқтисодий қўмитасининг Марказий Осие бўйича ишчи гуруҳи вакили Нико Варбанофф, Siemens Healthineers AG бошқаруви раиси Берндт Монтаг, CLAAS Group бошқаруви раиси Ян-Хендрик Мор сўзга чиқди.

Akorda.kz
маълумотлари
асосида.

Яшил энергетика ТДТ эътиборида

ҚОЗОҒИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Учрашувда иштирокчилар ТДТ давлатларининг энергетика сиёсатидаги ҳамкорлик ва тараққиёт истиқболларини кўриб чиқдилар.

Сунғат Есимханов таъкидлаганидек, ТДТ энергетика вази-ларининг учрашуви аъёнага айланмоқда, бу эса иштирокчи мамлакатларга дунёда ўрин олаётган кескин вазият шароитида энергетика соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини беради.

– Албатта, туркий олам маданий, иқтисодий, гуманитар марказга, шунингдек, энергетика со-

ҳасида амалий мулоқотни ривожлантириш учун муваффақиятли мулоқот майдонига айланди. Бугун биз ТДТга аъзо барча давлатлар ва кузатувчилар билан ҳамкорликни тизимли равишда ривожлантирмоқдамиз, – деди вазир ўринбосари.

Йиғилишда қазиб олинadиган ёқилғи ва тоза энергия манбаларининг бир-бирини тўлдирувчи афзалликларидан фойдаланиш,

экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда жаҳон ишлаб чиқариш-транспорт занжирининг ишончлиги ва узлуксиз фаолиятини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон томони қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбалари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга, яшил водородни ишлаб чиқариш ва сақлаш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказишга, шунингдек, атом саноати ва айирбошлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга туртки бериш зарурлигини таъкидлади.

– Бугунги кунда атом саноати

Қозоғистон энергетика тармоғини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда, у қозоғистонлик мутахассисларнинг илмий салоҳиятини оширишга қодир. Бу борада биз ушбу соҳада лойиҳаларни амалга ошираётган давлатлар, хусусан, Туркия ва Венгрия билан тажриба алмашишдан манфаатдормиз, – деди С. Есимханов.

Учрашувда ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини тавсифловчи Қўшма баёнот имзоланди.

24.kz маълумотлари асосида.



• Обуна–2025

«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадри муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва

виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан беҳабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲҲ Орқали –
Туркистон вилояти бўйича –
3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича –
3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

6 октябрь

ҲАР БИРИНГИЗНИНГ
ОВОЗИНГИЗ МУҲИМ!

**УМУМХАЛҚ
РЕФЕРЕНДУМИ**

www.election.gov.kz

2025 ЙИЛДА ҲОКИМЛАР САЙЛОВИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

ҚР Президентининг навбатдаги Мақтубида ҳокимларни сайлаш жараёни давом эттирилишини маълум қилди. Бу тизимга барча туман ва вилоят шаҳарлари ҳокимлари сайлови ҳам киритилади. Сиёсий қадамнинг аҳамияти, сайлов самарадорлиги ҳақида жамиятда турли фикрлар билдирилмоқда. Халқ орасида “Сайлов тизими аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қанчалик таъсир кўрсатади?”, “Сиёсий институтлар давлат бошқаруви тузилмасидаги кадрлар ўзгаришининг қандай турларини таклиф қилади?” деган саволлар мавжуд. Қуйида ушбу саволларга жавоб излаймиз.



ИСЛОҲОТЛАР ҚИШЛОҚДАН БОШЛАНДИ

Кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳақиқати шундаки, у босқичма-босқич ўзгаришдир. Қозоғистонда ҳокимлар сайлови тарихи 1999 йилда бошланган бўлса-да, кейинроқ ташкил этилган. 2013 йилгача ҳам қишлоқ ҳокимлари сайлови билвосита усулда ўтказилиб, туман ҳокими томонидан таклиф этилган номзод масъул депутатлар томонидан тасдиқланарди. Фақат 2021 йилда қишлоқ ҳокимларини бевосита сайлаш тизими жорий этилганда иш яна жонлангандек бўлди. Ушундан буён 2500га яқин ҳоким сайланган. Утган йили эса синов тартибида ўтказилган туман-шаҳар ҳокимлари сайловида 45 нафар ҳоким янги усулда сайланган эди.

“Сайлов натижаларини, сайланган ҳокимлар ишини чуқур ўргандик. Натижада, қатъий қарорга келдик. Келгуси йилдан бошлаб биз мунтазам равишда янги тизимга ўтамиз. Эндиликда вилоят аҳамиятига эга туман, шаҳарлар ҳокимлари фақат бевосита сайлов йўли билан сайланади. Ҳокимларнинг ваколат мuddати тугаши билан, яъни алмашиш мuddати тугагач, сайловлар босқичма-босқич ўтказилади. Бу сиёсий тизимни ислоҳ қилиш жараёнидаги яна бир муҳим қадамдир. Сиёсий ислохотлар бир марталик жараён эмас. Давлат раванқга учун зарур ислохотлар шу йўсинда давом этади”, деди ҚР Президенти.

Бу ўзгариш 3 йил муқаддам қонунга киритилган ўзгартириш билан боғлиқ. 2021 йилда Давлат раҳбари “Қозоғистон Республикасида сайловлар тўғрисида”ги “Қозоғистон Республикасининг Конституциявий Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади ва бу ташаббуснинг ҳуқуқий асосини яратди. Уша даврда сиёсий институтлар ва жамият қонундаги ўзгаришлар концепциясини қизғин муҳокама қилиб, қабул қилган ва қандай ўзгаришлар бўлишини башорат қилган эди. Улар орасида Қозоғистон Республикаси Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин ОАВда ҳоким сайлови ва эришилган натижалар ҳақида маълумот берди. Унинг сўзларига кўра, янги сайлов тизими Марказий Осие минтақасидаги илк сиёсий тажриба ҳамда жамият ва ҳокимиятни бирлаштирувчи ғоядир.

– Туманлар ҳокимлари сайлови жамиятда катта қизиқиш уйғотди. 45та ҳокимлик учун 125 номзод кураш олиб борди. Улар орасида турли соҳа вакиллари – иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, муҳандислар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа мутахассислари бор эди. 7та сиёсий партиянинг барчаси туман ҳокими сайловида ўз номзодларини тақдим этди. Танловни 1 минг 497 сайлов участкасида номзодларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, жами 8,5 минг нафарга яқин киши ўтказди. Сўнги сайлов Марказий Осие минтақасидаги биринчи шундай сиёсий тажрибадир. Шундай қилиб, Президент Қ. Тўқаевнинг сиёсий ислохотлари минтақадagi сиёсий замонавийлашувнинг янги йўналишини белгилаб беради, – деди у.

Миллий статистика бюроси маълумотларига кўра, мамлакатда 192та туман ва 90та шаҳар мавжуд. Шунинг учун сиёсий ислохотларнинг географик кўламини кенгайтириш ҳам сайловнинг аҳамиятини билишга интилоқда.

– Биринчидан, сайланган ҳокимлар юқоридагиларга қарам эмас. Бу биринчи истисно. Иккинчидан, мустақил тизим орқали етакчилиқка эришган фуқаро халқ манфаатини ўйлайди, аҳоли талабларини бажаришга ҳаракат қилади. Улар вилоят муаммоларини ҳал этиши, мавжуд маблағни вилоят тараққиётига сарфлаши аниқ, – деди ҚР Парламенти Мажлиси депутати Ербулат Сауриқов.

НОМЗОД: ТАДБИРКОР, ФЕРМЕР, СИЁСАТЧИ...

Сиёсий ислохотларнинг ижросини таъминлаш – номзоднинг зиммасида. Аслида, бу унинг маҳорати ва билим даражасига боғлиқ. Шу пайтгача 2500га яқин ҳоким халқ танлови билан тайинланганини айтдик. Қизғин шундаки, сайланган қишлоқ ҳокимларининг 60 фоизи илгари давлат хизматида бўлмаган. Шу боис, Президент давлат хизматчиларининг касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида огоҳлантирди. Бу йўналишда махсус лойиҳа амалга ошириладиган кун узоқ эмасдек.

Ҳукумат бўлажак сайловлар тартибини тизимлаштирмоқда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш, сайловда ташвиқотининг молиявий ва ҳуқуқий асослари фарқланди. Бинобарин, келгуси йилда амалга ошириладиган сиёсий ислохотлар мамлакат ижтимоий салоҳиятига жиддий ўзгаришлар олиб келиши аниқ.

24.kz маълумотлари асосида.

КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ШАРАФЛАНДИ



Астанада V Бутунжазон кўчманчилар ўйинлари ўтди. Ушбу нуфузли беллашувда 89та мамлакатдан 2500га яқин спортчи иштирок этди.

Унда Қозоғистон жамоаси спортчилари 114та медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Туркистон вилоятидан 32 спортчи ҳам юқори натижалар кўрсатиб, умумжамоа ғалабасига салмоқли ҳисса қўшишди. Вилоят спортчилари 16та олтин, 10та кумуш, 5та бронза медалини кўлга киритишди.

Вилоят ҳокими Д. Сатибалди Кўчманчилар ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари билан учрашиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди.

– Мамлакатимиздаги нуфузли мусобақа юксак савияда ташкил этилди. Нафақат халқимиз, балки кўчманчиларнинг тарихи, маданияти ва спорти билан бир қаторда халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги ҳам намоиш этилди. Вилоятимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, минтақамиз обрўсини кўтаришди. Ғолибларга шон-шарафлар бўлсин, Қозоғистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари кўпаяверсин! – деди Д. Сатибалди.

Кўчманчилар ўйинлари ғолибларига – 1 млн., кумуш медал соҳибларига – 700 минг ва бронза медали соҳибларига – 500 минг тенгелик сертификатлар топширилди.

От спорти ўйинлари бўйича жаҳон чемпиони Сирим Избасаров спортчилар номидан вилоят раҳбарига кўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик билдирди.

Туркистон вилоятидан 4 нафар йигит кўпқари жамоаси таркибиде чемпион бўлди, чавандозлик, кўпқари, кушбегилик ва бошқа турларидан ҳам кўллаб медаллар кўлга киритилди. Чемпионлар сафиде Айқўз Ералхан, Батир Бексау, Айжан Жилқибоева, Азамат Мақулбеков, Раҳат Қамбаров, Асел Далиева, Амандўс Айтқулов, Ермек Қуралбай, Алмат Латипбек, Дарин Ҳўкелбай, Сирим Избасаров, Биржан Қўсалиев, Даулет Айтан, Арман Жамалбеков, Абилайхан Нисанбеков ва Адилет Мамит бор.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ФАРОВОНЛИКНИ МАҚСАД ТУТГАН ҲУЖЖАТ

Қозоғистон Республикасининг Президенти Қ. Тўқаевнинг 2024 йил 2 сентябрь куни Қозоғистон халқига йўллаган “Адоллатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” Мактубида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор қаратаётганининг гувоҳи бўлди.

Халқимизнинг фаровонлигини оширишда пул-кредит сиёсати, солиқ тизимида амалга оширилган ислохотларнинг аҳамияти эътибордан четда қолмади. Ақсинча, айнан ўша жиҳатларга алоҳида ургу берилди.

Президент ҳозирги кунда кўллаб ҳамюртларимизнинг бир неча банклардан бир қанча насиялар юки остида ҳаёт кечираётганини, бу муаммо жамият учун хавфли эканлигини таъкидлади ҳамда масалага жиддий эътибор қаратишга чақирди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам кун тартибидеги муҳим масалалардан бири бўлди. Ушбу соҳага сармоя жалб қилиш, ўрта бизнесни ривожлантириш, санаят, ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилиши кутилаётган ислохотлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилни “Ишчи касбини улуглаш йили” деб эълон қилди. Бунда улкан маъно мужассам. Оддий одамлар моҳир кўллари билан яратилган гўзаллик ҳамда улар



туфайли атрофдагиларга тақдим этилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар таҳсинга сазоворлигини доим ёдда тутишимиз жоиз.

Президентимиз Қ. Тўқаевнинг жорий йилги Мактуби ҳам Қозоғистон халқининг турмуш шариоитларини яхшилаш, эл фаровонлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Мактубда кўтарилган масалалар ҳамда устуворликларга тўхталадиган бўлса, ушбу ҳўжатда ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олинган.

Ушбу Мактуб Қозоғистон давлатини ривожланган 30 мамлакат сафига қўшилиши учун муҳим қадамлардан бири бўла олади.

Муроджон АБДУЛЛАЕВ,
«Қорабулоқ» ўрта
умумтаълим мактабининг
директори.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУР



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги халққа йўллаган “Адоллатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” номи Мактубида сармоявий вазият ва бизнес юритиш учун зарур шарт-шароитларни яхшилаш йўлида муттасил иш олиб бориш муҳимлигини таъкидлади.

Иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган бизнес муҳитини яхшилаш учун давлат томонидан молиявий кўллаб-қувватлашни кўчатириш ва ташқи бозорларга чиқиш йўлларини енгиллаштириш борасидаги сай-ҳаракатлар давом этмоқда. Сармоядорлар

учун қўлай имкониятлар яратиш, хусусан, бизнес юритишдаги тўсиқларни камайтириш, халқаро амалиётларни жорий этиш ва ишбилармонларга ҳар томонлама қўмаклашиш мамлакатнинг стратегик тараққиёт режаларида устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

“Давлат-хусусий шерикчилиги доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни сифатли ишлаб чиқиш зарур. Айниқса, халқаро молия институтлари иштирок этадиган лойиҳаларга эътибор қаратиш керак. Ҳукуматга халқаро молия ташкилотлари давлат-хусусий шерикчилик усули билан молиялаштириб, тўлиқ амалга оширадиган кенг қўламли лойиҳалар рўйхатини тузишни топшираман”, деди Президент.

Бунинг натижасида, сармоядорлар ва тадбиркорлар учун яратилаётган шариоитлар ишончли ва шаффоф дастақлар орқали таъминланиши, миллий ва халқаро ҳамкорликда янги қадамлар қўйилишига ишончим комил.

Неъматжон ХОЛМЕТОВ,
тадбиркор.
Шимкент шаҳри.


ЁШЛАРГА НАМУНА БЎЛАЙЛИК

Қозоғистон янги даврни бошидан ўтказаятганига гувоҳ бўлмоқдамиз ва кенг қамровли ислохотлар самараси ҳар бир жабҳада ўз аксини топишга ишончимиз комил.

Яқинда Президентимиз Қ. Тўқаевнинг Қозоғистон халқига йўллаган аънаваный Мактуби билан газета саҳифаларида батафсил танишиб чиқдик. Уни йилнинг энг муҳим тараққиёт дастури, десак муболага бўлмайди. Президентимиз мазкур ҳўжатда халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига эътибор қаратди. Оқил ҳамда доно сиёсатчи тараққиёт йўлини белгилашда, келгуси йил учун муҳим режаларни тузишда пухта гоёларга таянгани ҳақиқат.

Бир гап билан айтганда, тараққиётимизнинг янги истиқболлари белгиланди. Тараққиётга эса Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, қонун ва интизом, илм ҳамда тафаккур устувор жамиятдагина эришиш мумкин.

Фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз янгиликка интилувчан, маданиятли, маънавиятли бўлишига интилишлари жоиз. Шундагина биз заковатли миллатга айланишимиз аниқ. Шунингдек, келажик порлоқ ёшларимизнинг самарали бугуни ва баракали эртаси учун пойдевор барпо этилган бўлади. Бугунимиз эгалари миллатимизнинг бошқа ривожланган давлатлар ўртасида рақобатбардошлигини намоён этилади. Айнан илми ёшлар мамлакатимизни тараққиёт этган 30 давлат сафига киритишда та-



шабускор бўлишди. Биз тараққиётни кўзлаган муҳим лойиҳаларга ҳаётга татбиқ этишда ёшларга ибрат бўлмоғимиз даркор.

Тафаккури юксак, олдиға аниқ мақсад қўйган ва бугундан оғишмай бораётган ўғил-қизларимиз – ёрқин истиқболимиз. Қийинчиликлардан чўчимайдиган ёшлар билан Президентимиз белгиланган мақсадларга эришиш қийин бўлмайди. Фақат кекса авлод вақиллари уларни шундай ватанпарварлик руҳида тарбиялаши жоиз. Энг муҳими, оилалар мустақам бўлмоғи жоиз. Аҳил ва бахтли оилада камол топган қўбил фарзандлар рақобатбардош миллатга айланиши аниқ.

Ғофир БЕКМУРОДОВ,
Жамбил номи ўрта
мактаб директори.
Сайрам тумани.

ЗАВОД РАҲБАРЛАРИ УЧРАШИШДИ



Жетисай туманидаги пахтакор ҳўжаликларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилиш мақсадида вилоятдаги пахтакор қайта ишлаш заводлари ҳамда йирик деҳқон ҳўжаликларини раислари иштирокида йиғилиш ўтди.

Очиқ мулоқотда пахтачилик соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, туман раҳбари томонидан тегишли таклифлар билдирилди. Деҳқонларнинг таклифларини етказган Серик Усенули завод раҳбарларига қатор талабларни қўйди.

– Сизлар билан ҳамкорликда туманимиз ҳўжаликларини учун муҳим масалаларни муҳокама қилиб, бир фикрга келиш учун учрашдик. Қишлоқда ўтган учрашувларда ҳўжаликлар томонидан кўтариладиган масала – пахтачининг нархидир. Ҳўжаликларнинг меҳнати зое кетмасин. Имкон қадар мақбул нарх белгиланг, камроқ даромад кўрсангиз ҳечқиси йўқ, – деган туман раҳбари пахтакор қабул қилиш бекатларидаги тарозидан алдаш, лабораторияларда пахта сифатини пасайтириб кўрсатиш сингари ҳўжатларга йўл бермасликка чақирди.

Пахта заводлари вакилининг айтишича, ҳар бир компания бевосита халқаро пахта хари-

дорлари билан ҳамкорликда ишлайди. Улар пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномаларини тузиб, уларни молиялаштиради. Шу боис пахта хомашесини харид қилиш учун зарур маблағларнинг деярли

барчаси хусусий сармоялар деийш мумкин.

Тадбирда иштирок этган завод раҳбарлари айнан ҳозирги кунларда пахтага эҳтиёж йўқлигини айтиб, унинг нархи сифатига боғлиқлигини маъ-

лум қилишди. Туман ҳокими учрашув чоғида завод раҳбарларига пахтачи тозалаш билан бирга қайта ишлашни таклиф қилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Туркистон вилоят маслаҳати раисининг 2024 йил 18 сентябрдаги 4-Ш Қарори

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

2001 йил 23 январдаги “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-модда, 2-бандига мувофиқ, саккизинчи чақирӣқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн иккинчи сессияси 2024 йил 30 сентябрь куни соат 16:00да, Туркистон шаҳрида чақирилсин.

Вилоят маслаҳати раиси Н. АБИШОВ.

»» Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, саккизинчи чақирӣқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн иккинчи сессияси 2024 йил 30 сентябрь куни соат 16:00да, вилоят ҳокимлиги биносиде ўтишини маълум қиламиз. Манзил: Туркистон шаҳри, “Янги шаҳар” кичик тумани, 32-кўча, 18-бино (1-қаватдаги мажлислар зали).

Депутатлар ва чақирилганларни рўйхатга олиш 30 сентябрь куни соат 15:00дан бошлаб зал фойесиде юритилади.

Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар:

1. Туркистон вилояти ҳокимининг зиммасига юклатилган мажбурият ва вазифаларнинг ижросига доир ҳисоботи;
2. Туркистон вилоят бандлиқни таъминлашни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбарининг бошқарма зиммасига юклатилган мажбурият ва вазифаларнинг ижросига доир ҳисоботи;
3. Туркистон вилоят маданият ва туризм бошқармаси раҳбарининг бошқарма зиммасига юклатилган мажбурият ва вазифаларнинг ижросига оид ҳисоботи;
4. Туркистон вилоят қурилиш бошқармаси раҳбарининг бошқарма зиммасига юклатилган мажбурият ва вазифаларнинг ижросига оид ҳисоботи;

5. Туркистон вилоятида мавсумий кўчиш жараёнларини сошлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида;

6. Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги юрғак етмаганлар ишлари ва уларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида;

7. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2019 йил 5 апрелдаги 37/384-VI сонли “Вилоят ер комиссияси тўғрисидаги Қойдани тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

8. Туркистон вилоятидаги бир неча аҳоли манзилларини бекор қилиш тўғрисида;

9. Туркистон вилоят маслаҳати депутатларини сайлаш бўйича 20-сонли бир мандатли ҳудудий сайлов округининг округ сайлов комиссиясидан чиқиб кетган аъзосини сайлаш тўғрисида;

10. “Туркистон вилояти бўйича маҳаллий аҳамиятга молик махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдалангани учун тўлов миқдорларини белгилаш тўғрисида” Туркистон вилоят маслаҳатининг 2019 йил 13 сентябрдаги 42/438-VI сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида;

11. “Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги жиний жазолар ва бошқа жиний ҳўқуқий таъсир чораларининг ижросини таъминловчи муассасалар ва идоралар фаолиятига қўмаклашиш, шунингдек, жиний жазони ўтаган шахсларга ижтимоий

ва бошқа ёрдамни уюштириш бўйича консултатив-маслаҳат идорасининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

12. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Туркистон вилоятида дафн этиш ва қабристонлар ободлигини таъминлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида” 43/466-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

13. Жанубий Қозоғистон вилоят маслаҳатининг 2017 йил 24 августдаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги лойиҳалари бўйича давлат мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисида” 14/172-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

14. “Туркистон вилоятининг Фаҳрий ёрлиги билан тақдирлаш тўғрисидаги қондани тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги 29/316-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

15. Туркистон вилояти бўйича йўловчиларни туманлараро (шаҳарлараро, вилоят ичида) йўллариде автомобиль билан муттасил ташиш тарифларини белгилаш тўғрисида.

Сессия кун тартибиде келиб тушишига қараб, бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.

»»» Обуначиларимиз орасида

ОТА ДУОСИНИ ОЛГАН ФАРЗАНД



Саврон тумани, Ўранғай қишлоғининг бийлар кенгаши раиси бўлган (марҳум) Абдумуталлиб Носиров тўғрисида “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасида мақолалар мунтазам чоп этилган. Мен серғайрат инсоннинг қобил фарзанди Бобур тўғрисида қалам тебратмоқчиман.

Тадбиркор Бобур Абдумуталлиб ўғли 1979 йили 24 майда Ўранғай қишлоғида дунёга келган. Мухтар Аюзов номли мактабни, сўнг Халқлар дўстлиги университетининг спорт ва туризм култиратини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2007 йили қурувчиликдан бошлаб, соҳанинг сирларини ўрганди.

2023 йилдан тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 10 одамни доимий иш билан таъминлаган. Эшик-ром, дарвоза, стол-стулларга буюртмалар кўп. Мен ҳам ҳовлимизга айвонча буюртма берган эдим. Икки кун ичида тайёрлаб ўрнатиб кетишди. Жамоадаги Абдулазиз Носиров, Шаҳзод Каримбеков, Рўзбой Абдулхамидов, Алишер Мирзашев, Аброр Абдумуталлибовлар кўли гул ишчилар экан. Мен

Бобур Абдумуталлиб ўғли ва жамоасига миннатдорчилик билдираман. Мустақкам саломатлик, оилаларига бахту саодат тилайман.

Бобур 2001 йилда Умида Аҳмад қизи билан турмуш қуриб, 4 ўғил, бир қиз тарбиялашмоқда.

“Меҳнатнинг таги роҳат”, деб бежиз айтишмаган. Бобурнинг хонадонига вилоят ҳокими Дархан Сатибалди, ҚР Бош вазири ўринбосари Тамара Дуйсенова, депутатлар билан ташриф буюриб, фаолияти билан танишишди. Марҳум Абдумуталлиб ҳожининг умр йўлдоши Фотима ая Тамара Дуйсенованинг бошига холис ният ила оқ рўмол ўраб, дуои фотиҳа қилди.

Ота дуосини олган қобил фарзанд Бобурга омад ёр бўлсин, деймиз.



Поччахон БОБОЖОНОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Тасвирларда: Бош Вазири ўринбосари ташрифи; тадбиркор Бобур Абдумуталлиб ўғли.

»»» Заковатли миллат

УСТОЗ – ШАРАФЛИ УНВОН

Ваҳобжон Тўйчиев мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўқитувчи бўлишни орзу қилиб, устозларининг ўғитларини дилига тугиб борарди. Олий ўқув юртини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Ал Фобрий номли мактабда бошлади. Илк кунлардан оқ бу касбнинг сир-асрорини пухта эгаллаб бошлади. Кўп ўтмай, унинг янгича дарс ўтиши усули юқори баҳоланиб, тажрибаси туманда омалаштирилди.

– Устозлик халқимизда азалдан улғ касб, юксак мартаба саналган. Лекин бу касб ўзининг чин маънодаги кадр-қимматини мустақиллик йилларида топди. Шарафли ва масъулиятли касб соҳибларини эъзозлаш, улар меҳнатини қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу касбни саодат деб биладиган ўқитувчилар ўзи таълим бераётган шогирдининг камолоти ила келажакка пойдевор қўяди. Келажак авлодни эртанги нурафшон кунларга, камолот чўққисига бошлаб боради. Демак, қайсидир маънода миллат тақдирини ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам зиммасидир, – дейди Ал

ҳам бугунги кунда замонавий, кўркам биналарда фаолият кўрсатаётди. Бундай шарт-шароитда роҳатланиб ишлайсан. Қолаверса, бу юртда сидқидилдан меҳнат қилган киши борки, албатта, кадр ва эъзоз топади.

– Давр ўқитувчиси қандай бўлиши керак? – сўрадик устоздан.

– Давр ўқитувчиси авваламбор, мустақиллигимизни, истиқлолимизни дилдан ҳис эта билиши, ўзлигини англай олиши керак. Ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, оила, жамият, давлатимиз олдидаги масъулиятини англайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантиришда фаол иштирок этиб, ахлоқий пок, жисмоний бақувват, Ватан туйғуси билан йўрилган фидойи инсон, изланувчан, ташаббускор ва соғлом-авлодни шакллантириш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўлиши керак. Мактабдан ватанпарвар ёшлар чиқиши керак. Бугунги мактабнинг вазифаси – янги жамиятни қуриш, унда яшаш, ишлашни биладиган ёшларни тарбиялашдан иборат.

– «Ўқитувчи касби – бола-



тоз розидур – Тангри розидур” (Агар шогирд муфтий ёки қози даражасига етган бўлса ҳам, агар устоз ундан рози бўлсагина, Тангри рози бўлади). Ҳамкасбларим буюк бобокалонимизнинг ушбу сўзларини унутмасликларини истардим. Қўёш ўз нури билан бутун табиат, борлиқни жонлантиргани каби, ўқитувчи, мураббий ҳам бор маҳорати, билими билан ёшлар қалбини илм зиёсига тўлдирди. Илм нурлари билан тўлган қалблар эса инсониятни ойдин йўлга, саодатга



Фобрий номли мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича муовини Ваҳобжон Тоҳир ўғли. – Шогирдларимнинг камолтини қўриб, қувонаман. Улар қиёфасида юртимизнинг нури эртасини кўргандек бўламан. Устоз учун бундан-да катта бахт бўлмас керак.

– 25-30 йил аввалги мактаблар билан ҳозирларининг ўртасида қандай фарқ бор?

– Ўзгаришлар катта. Шарт-шароитлар ҳавас қилса арзиғулик. Тор, пастқам, томидан чакка ўтадиган, қишда зах ва совуқ синф хоналари ўрнини замонавий иншоотлар эгаллади. Кексаларимиз бугунги ёшларимизга ҳавас ила боқишди. Негаки, улар, авваламбор, овоз ва обод Ватан фарзандлари. Уларнинг ўқишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, касб-хунар эгаллашлари, ўз иқтидорларини юзага чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё. Қувонарлиси, энг чекка жойлардаги мактаблар

нинг мураккаб руҳий оламига кириб борадиган инсоншунослик касби”, деган эди В. Сухолинский. Мактабни тамомлаб, тўрт йил институтда ўқиб келган ҳар бир инсон яхши ўқитувчи бўла оладими?

– Ўқитувчида истеъдоддан ташқари, болалар билан ишлаш олиш қобилияти, қатъиятлик, дадиллик, ўз-ўзини назорат қилиш, барча ишларда бошқаларга ибрат бўлиш, муттасил изланиш каби фазилатлар ҳам бўлиши керак.

– Ёш ҳамкасбларингизга тилақларингиз...

– “Устоз отангдек улғ”, дейди халқимиз. Ҳақиқатан, фарзанднинг комил инсон бўлиб улғайишида отанинг тарбияси нечоғли муҳим бўлса, бир инсоннинг ҳаётда тўғри йўл топиб, оқ-қорани танишида, ўз касбининг етуқ соҳибига айланганида устознинг хизматлари ҳам шундай бекиёсдир. Улғ Навоий бобомиз айтганидек: “Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар андин ус-

элтади... Ёшларимиз эртанги келажакимиз пойдеворидир. Шундай экан, уларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири саналади. Бу сўзларнинг замирини теран англаб, устоз-мураббийларимиз болаларнинг билими, комил инсонлар бўлиб камол топишлари йўлида шижоат билан меҳнат қилиб, ҳормай-толмасликларини тилайман.

Таъкидлаш жоиз, Ваҳобжон жамоат ишларида ҳам фаол. “Қирон” ёшлар бирлашмасини ташкил этиб, қишлоқда кўнглилар ҳаракатига асос солди. Бирлашманинг ташаббуси билан қишлоқнинг бир кўчасига Афғонистондаги урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамқишлоғи Нуриддин Миралиевнинг номи берилди. Кўча бошига қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилди (тасвирда).

А. АБДУФАТТОҲ.

КЎЛКЕНТ ҚИШЛОҒИ ҲОКИМИ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

2024 йил 15 сентябрь куни ўтган Сайрам тумани, Кўлкент қишлоқ ҳокимининг сайлови натижасига кўра, Сайрам туман ҳудудий сайлов комиссиясининг қарорига биноан, Кўлкент қишлоғи ҳокими этиб Уткиржон Авазхон ўғли Йўлдошев қайта сайланди.

Сайланган ҳокимга Сайрам туман ҳудудий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари А. Бежонов гувоҳнома топширди, туман ҳокими девони раҳбари А. Ақилбек унинг келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

З. АҲМАДЖОНОВ.



»»» Дил изҳори

ШИФОКОРЛАРГА ТАШАККУР!

86 ёшдаги меҳнат фахрийси, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, шаҳар ҳамда вилоят оқсоқоллар кенгашларининг фаол аъзоси Тўлқин Саидмуродов таҳририятга мурожаат этиб, шаҳар тиббиёт бошқармаси шифокорларига газета орқали самимий миннатдорчилигини билдиришимизни сўради.

Туркистон шаҳар марказий касалхонаси урология бўлимига 2008 йили Алмати тиббиёт институтини тамомлаб, Туркия давлатида малака оширган моҳир шифокор Нуржан Бердиқулов раҳбарлик қилмоқда. Ушбу бўлимда унинг ўринбосари, шифокор Асилхан Нурдаулет, фельдшер Зафар Жумадуллаев, ҳамширалар Феруза Сиздиқова, Таҳмина Абдужабборовва, Фароғат Тожибоева, тозалик посбони Улданай Алиевалар самарали меҳнат қилиб, беморлар олқишига сазовор бўлмоқда.



– Биринчи бойлик – саломатлик, деб бежиз айтилмаган. Эл олқишини олиб, беморларга сиҳат-саломатлик улашаётган шифокорларга самимий миннатдорчилигимни изҳор этиб,

муваффақият тилайман, – дейди Тўлқин Саидмуродов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: шифокорлар жамоаси.

МЕҲНАТИ БОРНИНГ – ТАХТИ БОР

Вилоятимизда “Меҳнат бозорини ривожлантиришнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган концепцияси” доирасида меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказилади.

2024 йил бошидан 1 сентябрга қадар 80 марта меҳнат ўринлари ярмаркаси уюштирилди. Вилоят бандлики мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси, “Меҳнат ҳаракатчанлиги маркази”, туман ва шаҳар “Мавқе” марказлари

нинг ташаббуси билан ўтказилган ярмаркаларда 6077та бўш иш ўрни тавсия этилган. Унда 1753та иш берувчи ҳамда 4772 нафар фуқаро иштирок этган.

Натижада, иш излаб келган фуқароларнинг 1126 нафари доимий иш билан таъминланиб, 638 нафари Миллий лойиҳалар доирасида муваққат иш ўринларига йўлланди. Бандлиги таъминланган 1764 нафар фуқаро таълим, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, саноат, хизмат

кўрсатиш, уй-жой-коммунал хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Хусусан, 2024 йилнинг 18 ноябрида Туркистон шаҳри бўйича Tanda. Enbek.kz порталида онлайн меҳнат ярмаркасини ўтказиш режаланмоқда. Бултур ушбу тадбирда 75та бўш иш ўрни тавсия қилинган эди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

“ТУРКИСТОН ШАҲРИНИНГ АЛОҲИДА МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА” ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Туркистон шаҳрига маънавий ва тарихий марказ сифатида алоҳида мақом бериш масаласини илгари суриб, тегишли кўрсатмалар берган эди. Шу муносабат билан янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кун кеча ҚР Парламенти Мажлисида “Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми тўғрисида” Қонун лойиҳасининг тақдими ўтди. Уни Миллий иқтисодиёт вазири ўринбосари Бауржан Умарбеков тақдим этиб, халқ ноибларининг саволларига жавоб берди.

Ушбу муҳим мажлисда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажиббаев етакчилигида ишчи гуруҳ вакиллари ҳам иштирок этди. Мазкур қонун лойиҳаси Туркистон шаҳрининг равнақига ижобий суръат бағишлаши айтилди.



Қонун лойиҳаси Давлат раҳбарининг 2022 йил 27 сентябрда Туркистон вилоятига ташрифи чоғидаги топшириқлари ҳамда 2023 йил 10 апрелдаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Хужжатни ишлаб чиқишда Туркистон шаҳрининг Туркий давлатлар ташкилоти ва туркий оламнинг маънавий пойтахти сифатида эътироф этилиши асос бўлди. Бундан ташқари, шаҳарнинг тарихий қиёфаси ва унинг ҳудудида жойлашган тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш зарурати, Туркистон шаҳрида аҳолининг тез кўпайиши ҳам сабаб бўлди. Сўнгги 6 йилда аҳоли сони 60 мингга кўпайиб, ҳозир 233 мингдан ошди.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш давомида Англия, Италия, Ўзбекистон, Озарбайжон ва бошқа давлатларнинг тарихий обидаларни муҳофаза қилиш амалиёти ўрганилди. Муқаддам вазирлик ходимлари Туркистон шаҳрига хизмат сафари уюштириб, аҳоли билан учрашувларда Қонун лойиҳасининг қоидалари ва меъёрларини муҳокама қилган.

ТУРКИСТОНДА ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ВА МАДАНИЙ МЕРОС ОБИДАЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ ҚУЛОЧ ЁЯДИ

Қонун лойиҳаси 4 боб ва 15 моддадан иборат. Мақсадлари ва вазифалари – Қозғоғистон Республикасининг маънавий-маданий ва тарихий маркази сифатида Туркистон шаҳрининг шаклланиши, ривожланиши ва фаолият юритиши учун ҳуқуқий шароитлар яратиш, шунингдек, умумий давлат аҳамиятини эътироф этиш, шаҳарнинг тарихий-маданий аҳамиятга эга, жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг



бутундунё мероси иншоотининг муҳофаза ҳудудида жойлашган ёдгорликлар ва иншоотларни бошқариш ҳамда муҳофаза қилишнинг мақбул тизимини барпо этиш. Тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш ва маънавий иншоотларнинг қиёфасини сақлаш – Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари.

Ташаббус доирасида Туркистон шаҳрининг археологик ёдгорликлари кўриқхоналарини ташкил қилиш, миллий амалий санъат усталарини қўллаб-қувватлаш, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг атрофидаги қурилишларни чеклаш ва тарихий қиёфасига мос келмайдиган иншоотлар барпо этилишига йўл қўймастик режаланган. Хусусан, мақбаранинг муҳофаза ҳудудига яқин юз метр масофада баландлиги етти метрдан ошадиган, шунингдек, ҳажми, ранги ва қурилиш материаллари бўйича тарихий ёдгорликларга мос келмайдиган иншоотларни қуришга йўл қўйилмайди.

МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИК ВА МАСЛАҲАТНИНГ ВАКОЛАТИ ОРТАДИ

Қонун лойиҳаси доирасида Туркистон шаҳри ҳокимлиги ва маслаҳатига қўшимча 34та ваколат бериш кўзланган. Жумладан, шаҳар маслаҳатига 7та ваколат берилди. Улар:

- шаҳарсозлик қоидалари регламенти ва шаҳарни лойиҳалаш коди;
- шаҳарнинг тарихий, табиий, маҳаллий ўзгачаликларини инобатга олган ҳолда унинг меъморий қиёфасини шакллантириш ҳамда шаҳарсозликни режалаш;
- миллий-амалий санъат усталари харажатлари-

ни бюджетдан қоплаш тамойиллари (10 фоиздан 25 фоизгача);

- видеокузатув, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотларини барпо этиш тамойиллари;

- Туркистон шаҳри ҳудудида шаҳар тимсоли ва тамғасидан фойдаланиш тартиби.

Шаҳар ҳокимлигига уч йўналишда 27та ваколат берилди.

Биринчи йўналиш – шаҳарнинг маданий мероси ва тарихий-маданий мерос иншоотларининг сақланишини таъминлашга раҳбарлик ва назорат қилиш. Маҳаллий аҳамиятга молик тарихий ва маданий ёдгорликлардаги илмий-тиклаш ва археологик ишларнинг олиб борилишини ҳам назорат қилиш.

Иккинчи йўналиш – қурилиш ва меъморий услуб андазалари, меъморий қиёфаси ва шаҳарсозлик қоидаларини ишлаб чиқади.

Учинчи йўналиш – сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик иншоотларининг қурилишини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга маслаҳатлар бериш, шунингдек, йўл бўйида хизмат кўрсатиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш кўзда тутилади.

Вазирлик, шунингдек, мутасадди давлат идоралари билан ҳамкорликда «Қозғоғистон Республикасининг баъзи қонунлари, шу жумладан, Ер кодекси, «ҚР меъморчилик, шаҳарсозлик ва қурилиш хизмати

тўғрисида», «Тарихий-маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида», «ҚР сайёҳлик хизмати тўғрисида» ҚР Қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш кўзланган.

ТУРКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Туркистон шаҳрининг ер майдони – 22,4 минг гектар. 2024 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, аҳоли сони – 233 533 нафар.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдиннинг топшириғига мувофиқ, Туркистон минтақасидаги туман, шаҳарларни тараққий эттириш ишлари жадал юритилмоқда. Жумладан, Туркистон шаҳрига алоҳида эътибор қаратилган. Олиб борилган ишлар натижасида, кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Саноат маҳсулоти ҳажми 19 902,5 млн тенге, жумладан, қайта ишлаш саноати 11 845,6 млн тенге ёки 107,8 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 3466,3 млн тенгени ташкил қилди (иссиқхоналар – 1,5 гектар). 2024 йилнинг январь-июль ойи яқунларига кўра, 22002 нафар тадбиркор рўйхатга олинган. Шаҳарга 163185,3 млн тенге сармоя жалб қилинган. Жумладан, хусусий сармоя 104508,9 млн тенгеге кўпайган. Қурилиш ишлари: 109858,5 млн тенгени ташкил қилди. Фойдаланишга топширилгани – 152257 квадрат метр, жумладан, 82426 квадрат метри хусусий тартибдаги уй-жой бинолари.

Шаҳарда сайёҳлар сони ортмоқда. Сайёҳлар ва зиёратчилар сони 2023 йилда 1015211 нафар бўлса, 2024 йилнинг 6 ойида 752121 нафарни ташкил қилди. Хориждан 2022 йилда 7113, 2023 йилда 12169 нафар меҳмон келган. 2024 йилнинг 6 ойида эса хориждан 13732 нафар сайёҳ ташриф буюрган.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид КҲУМОНОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲИМЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPO0022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-press” МЧБ босямоҳонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бюроғим
2504.

Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 11200 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.